

УЎК 594.591.9.595.895

**LEUCOZONELLA CORONA НИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ****Махмуджонов Зафаржон Муроджон ўғли**, катта ўқитувчи б.ф.ф.д (PhD),**Хақбердийева Ҳилола Абдусайд қизи**, ўқитувчи,**Суюнова Ёдгора Музаффаржон қизи**, магистр талаба,**Ғаниев Бахрилло Бахтиёр ўғли**, магистр талаба.

Гулистон давлат университети, Гулистон.

[z\\_makhmudjonov@mail.ru](mailto:z_makhmudjonov@mail.ru)**АННОТАЦИЯ**

Мақолада *Leucozonella corona* эндем турининг тузилиши, экологик хусусиятлари, тарқалиши ва муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ҳақида маълумот берилган.

*Leucozonella corona* Hygromiidae оиласига мансуб *Leucozonella* авлоди таркибида бўлиб Ўзбекистонда эндем турлардан бири ҳисобланади. Мазкур тур камёб ва йўқолиб бораётган турлардан саналиб муҳофазага муҳтож ҳисобланади. *Leucozonella corona* Schileyko et Rymzhanov, 2010-заиф, табиатан камёб, локал тарқалган, эндемик тур. Чотқол ва Курама тоғ тизмаларида маълум бир ҳудудларда тарқалган. Денгиз сатҳидан 2000 м баландликда тоғ минтақаси турли хил ён бағирларидаги тош уюмлари остида яшайди. Яшаш жойи хусусиятидан келиб чиқиб мезоксерофил бўлиб асосан озуқа манбаига боғлиқ ҳолда мезофил ва ксерофил шароитга эга бўлган биотопларда яшайди.

**Калит сўзлар:** ресурс, эндем, муҳофаза, мезоксерофил, чиғаноқ, экология.

**ABSTRACT**

The article provides information regarding physical and ecological features, distribution of *Leucozonella corona* as well as the conservation methods of this species. *Leucozonella Corona* belongs to Hygromiidae family, and is considered to be an endemic species in Uzbekistan. It has been identified as a rare species on brink of extinction, thus urgent steps to preserve it need to be taken. *Leucozonella Corona* is a 2010-inferior, extremely rare locally spread endemic type. The natural habitat is Chatkal and Kurama mountain chains. It inhabits under rocks in mountainous areas 2000 meters above the sea level. Lives in biotops conditioned with mezophyl and xerophyls as regards its mezoxerobiont nature.

**Key words:** resource, endem, conservation, mezoxerophyl, shell, ecology

## КИРИШ

Ўзбекистон малакофаунасини режали тарзда ўрганиш XX асрнинг 90 йилларидан бошланган бўлиб, ҳозирги вақтда фаунистик тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, бугунги кунда у ёки бу ҳудудда атроф – муҳитнинг антропоген кучлар таъсирида кескин ўзгариши, биологик хилма-хилликни, ҳамда мавжуд турларини сақлаб қолиш ва ресурслардан оқилона фойдаланишни тақозо етмоқда. Айниқса, унча баланд бўлмаган тоғ ҳудудлари ва адирликларда, жумладан Чотқол ва Қурама тоғларида яйлов сифатида кенг фойдаланиш натижасида, мавжуд ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг тарқалиши ва хилма-хиллигига салбий таъсир етмоқда. Шунга кўра табиий экосимтемалар кескин ўзгарган ҳудудларда қориноёқли моллюскаларнинг таксономик таркиби, экологик хусусиятларини ўрганиш ва эндем турларни сақлаб қолиш ҳозирги долзарб муаммолар сарасига киради.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда Ўзбекистон ҳудудида 150 дан ортиқ куруқлик моллюскалари тарқалган бўлса-да, бироқ ҳозиргача уларнинг биоэкологик хусусиятларига оид маълумотлар етарли эмас, борлари ҳам фрагментар характерга эга [1,2,3,4,5.]. Шулардан фақат 2 тур Ўзбекистон Қизил китобига [6.] киритилиб ва 10га яқин турлар муҳофозага олиш учун тавсия қилинган [7,8.] бўлиб, улар асосан, *Bradybaenidae* ва *Enidae* оила вакилларига мансуб ва *Nugromiidae* оиласи вакилларидан фақатгина *Leucozonella globuliformis* камёб тур сифатида эътироф этилган [9.].

Шунинг учун, уларнинг экологияси ва тарқалшига оид маълумотлар, зарарли турларга қарши курашиш чораларини ишлаб чиқишда, эндем турларни сонини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги адабиётлар таҳлилидан шундай хулоса қилиш мумкинки, *Nugromiidae* оиласи вакиллари эколологияси, тарқалиши ҳамда муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ҳақида маълумотнинг камлиги мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб берган.

Тадқиқот материаллари 2020 - 2022 йилларда Чотқол тоғ тизмаси (Угом-Чотқол давлат табиат миллий боғи ҳудуди, Тераклисой дарёси ўрта оқими), Қурама тоғ тизмаси шимолий ён бағирлари (Гўшсой дарёси ўнг ирмоғи; Лашкерак қишлоғи атрофи) ҳудудлардан йиғилган. Материал теришда асосан А.А.Шилейко методидан фойдаланилди. Материалнинг асосий қисми баҳор ойларида йиғилди. Адир минтақасида апрел ойининг иккинчи ўн кунлигида, Тоғ минтақасида июн ойининг биринчи ўн кунлигида экспедицияларни амалга

оширдик. Материал, асосан, қўлда терилди, чунки қўлда терилганда табиий ландшафтларнинг хилма-хил биотопларини тўлиқ ўрганишимизга имконият яратди.

### НАТИЖАЛАР

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи (ТМХИ- IUCN) мезонлари [10.] асосида, Hygromiidae оиласининг эндем вакилларида бири қуйидаги турни муҳофазага мухтож турлар сифатида қайд этиш мумкин:

*Leucozonella corona* Hygromiidae оиласига мансуб *Leucozonella* авлоди таркибида бўлиб Ўзбекистонда эндем турлардан бири ҳисобланади. Мазкур тур камёб ва йўқолиб бораётган турлардан саналиб муҳофазага мухтож ҳисобланади. Молюсканинг экологик хусусиятларини ўрганиш, популяция зичлиги аниқлаш, тарқалиш харитасини тузиш, чекловчи омилларни ўрганиш турларни табиатда сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга.

*Leucozonella corona* Schileyko et Rymzhanov, 2010-заиф, табиатан камёб, локал тарқалган, эндемик тур (1-расм). Чотқол ва Қурама тоғ тизмаларида маълум бир ҳудудларда тарқалган



#### **1-расм. *L. corona* Совуқбулоқсой ҳавзаси (Қурама тоғ тизмаси) (Асл.).**

Материал 13 нусхада бўлиб, Сўқоқ кишлоғи атрофи ва Оқсоқотасой ҳавзаси (Чотқол тоғ тизмаси), Совуқбулоқсой ҳавзаси (Қурама тоғ тизмаси) тош уюмлари остида топилган. Тарқалиш харитаси тузилди(2-расм).

Чиғаноқ ва репродуктив органи тузилиши адабиёт [11] маълумотларига тўлиқ мос келади

Чиғаноқ ўлчамлари: чиғаноқ баландлиги 3,5 - 5 мм, катта диаметри 9,5 - 12,5 мм, кичик диаметри 8,5 - 11,2 мм.

Экологияси. Денгиз сатҳидан 2000 м баландликда тоғ минтақаси турли хил ён бағирларидаги тош уюмлари остида яшайди. Яшаш жойи хусусиятидан келиб чиқиб мезоксерофил бўлиб асосан озуқа манбаига боғлиқ ҳолда мезофил ва ксерофил шароитга эга бўлган биотопларда яшайди.

Биологияси номаълум. Популяциядаги зичлиги 5-10 м<sup>2</sup> майдонда 1 та учратиш мумкин. Чекловчи омиллар: рекрация даражаси юқорилиги, улар яшайдиган табиий биотоплар-тош уюмлари қурилиш материали сифатида олиб кетилиши натижасида, табиий яшаш жойининг йўқ қилиниши.

## МУҲОКАМА

Муҳофаза чоралари: яшаш тарзини мукамалроқ ўрганиш; яшаш жойларини муҳофаза қилиш; заиф, қисқариб бораётган тур хисобланиб, 2(VU: R) мақоми билан Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритиш тавсия этилди.



2-расм. *Leucozonella corona* тарқалиш харитаси.

## ХУЛОСА

1. Ўзбекистон ҳудудида тарқалган *Leucozonella corona* турининг тарқалиш харитаси тузилди.
2. Ўзбекистон ҳудудининг табиий шароитида *Leucozonella corona* турининг экологик хусусиятлари очиб берилди.
3. *Leucozonella corona* турининг муҳофаза чоралари тавсия этилди.



## Фойдаланилган адабиётлар

1. З.Махмуджонов, С.Абдурашитов, Б.Чутанов. Distribution and lifestyle of *Leucozonella mesoleuca*. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). SJIF Impact Factor 2022: 8.197| ISI I.F. Value:1.241| <https://doi.org/10.36713/epra2016>
2. З.Махмуджонов, Х.Хакимов, Н.Мехмонова, Ш.Насриддинова, Б.Чутанов. *Leucozonella mesoleuca* нинг ички тузилиши ва ҳаёт цикли. НамДУ Илмий ахборотномаси. -2022/5. 262-268б
3. Pazilov AP, Umarov FU. On the ecology and species diversity of the freshwater gastropods of springs in Andijan Region, Uzbekistan. Bull Iraq Nat Hist Mus. 2021; 6 (3): 325-340. <https://doi.org/10.26842/binhm.7.2021.16.3.0325>
4. Pazilov A, Kudratov J, Makhmudzhonov Z. New type of terrestrial mollusc of Archaica (Gastropoda, Pulmonata, Hygromiidae) from Central Asia. Int J Geogr Geol Environ 2019; 1(1):01-02. DOI: [10.22271/27067483.2019.v1.i1a.1](https://doi.org/10.22271/27067483.2019.v1.i1a.1)
5. Pazilov A, Gaibnazarova F, Mukhammadiev Z. Complexes of land mollusks of various biotopes of the ugam and pskom mountain ranges. Int J Hum Comp Stud. 2021; 3 (1): 45-51. doi:[10.31149/ijhcs.v3i1.1223](https://doi.org/10.31149/ijhcs.v3i1.1223).
6. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. Ж-2. Ҳайвонот олами–Тошкент: Chinor ENK, 2009.- 216 б.
7. Абдулазизова Ш.К. Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофини ўраб турган тоғлардаги қуруқлик моллюскаларининг биологик хилма-хиллиги: Автореф. дис... биол. фан. фал. док. (PhD) – Тошкент: ЎзР ФА Зоол. инс., 2019. – 19 б.
8. Пазиллов А. Биологическое разнообразие наземных моллюсков Узбекистана и сопредельных территорий: Автореф. дис... докт. биол. наук. - Ташкент: ЎзРФА Зоол. инс., 2005. - 40 с.
9. Vasatko J. Molluscs of the Strabišov - Oulehla National Nature Reservenear Litenčice village (South Moravia, Czech Republic) // Malacologica Bohemoslovaca. - 2007. - Vol 6. - P. 3-10.
10. IUCN Red List Categories and Criteria: Version 3.1. Second Edition. – Gland, Switzerland and Cambridge, IUCN, 2012 – 32 p.
11. Шилейко А.А., Рымжанов Т.С. Фауна наземных моллюсков Казахстана и сопредельных территорий. М.-Алматы: Товарищество научных изданий КМК, 2013. - 389 с.